ҚАРОР ВА ШАРҲ

# ХОРИЖИЙ САРМОЯ

## янги технология олиб киради, экспорт салоҳиятимизни оширади

***Мамлакатимизда янги мулкдорлар синфини шакллантириш, нодавлат сектор мавқеини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар иқтисодиётимизда хусусий мулкчилик салмоғини тобора оширмоқда. Ҳозир нодавлат секторининг улуши ялпи ички маҳсулот яратишда 65,6 фоизни, саноатда — 63,6 фоизни, қишлоқ хўжалигида — 99,2 фоизни ташкил этмоқда. Ушбу секторда халқ хўжалигида банд аҳолининг 73,2 фоизи ишламоқда.***

Биз, баъзи МДҲ мамлакатларида бўлаётгани каби, тез оммавий хусусийлаштириш йўлини танламадик. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш миллий моделимизнинг босқичма-босқичлик тамойилига асосланган ҳолда давом этмоқда. Мулк шаклини ўзгартириш билан бир қаторда ишлаб чиқариш ва бошқарув тизимларини ихчамлаштириш ҳамда яккаҳокимликни бартараф қилишга қаратилган тадбирлар мажмуи амалга оширилмоқда.

Юртбошимиз мулк масаласига мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммоларини ҳал қилишнинг ва жамиятда ижтимоий адолат ўрнатишнинг муҳим 5 та шартларидан бири сифатида қарамоқдалар: **«Ҳаётимизда ва ишлаб чиқаришда хусусий мулк бошқа мулк шакллари — давлат мулки, жамоа мулки, акционерлик мулки ва ҳоказолар орасида асосий устувор ўринни эгаллаши керак. Қачонки, шу мақсадни тўла амалга ошира олсак, давлат мулки ҳисобидан ўғирлик, талон-тарож қилиш, ундан нопок йўлда фойдаланиб меҳнатсиз даромад орттириш каби беъмани ишларга чек қўйиш мумкин бўлади. Аминманки, ҳеч ким, ҳеч қачон ўз мулкини ўғирламайди ёки ўз мулкига хиёнат қилмайди».**

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш дастурини амалга ошириш жараёни суст кетмоқда. Бунга, авваламбор, эски қолипдан чиқолмаётган раҳбарлар баъзи имтиёзлардан ажралиб қолишдан қўрқиб, корхона тасарруфидаги мулкни «қўлдан чиқармасликка» ҳаракат қилишаётганлиги сабаб бўлмоқда. Бу ўз навбатида иқтисодий ислоҳотларга ғов бўлмоқда.

Шунингдек, корхоналар акциялар пакетининг эркин ресурсларини сотиш ҳисобига айланма маблағларни тўлдириш имкониятларидан яхши фойдаланмаяптилар. Жорий йилда 1 октябргача бошланғич фонд бозорида таркиби ўзгартирилгандан кейин 53,8 миллиард сўмлик акцияларнинг атиги 3,7 миллиард сўмлиги (6,8 фоиз) сотилди, холос. Бу кўрсаткич, айниқса, Тошкент, Андижон, Хоразм, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳрида жуда паст. Шунингдек, «Ўзэлтехсаноат», «Ўзмашсаноат», «Ўзавтосаноат» уюшмаларида, «Ўзсувқурилиш» давлат концерни, Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги корхоналарининг акциялари суст сотилмоқда. Чунончи, «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси корхоналарида 1998 йил май ойига қадар 852,3 миллион сўмлик сотилмаган акция мавжуд эди. 1 майдан 1 октябргача бўлган муддатда атиги 530 минг сўмлик сотилган, холос.

Бундай ҳолатнинг асосий сабаби — тармоқлар, корхоналар раҳбарлари хорижий инвесторларни ўзларига жалб қилолмаётганлигидадир. Оқибатда акцияларнинг салмоқли қисми ўз харидорларини тополмаяпти. Акциядорлар эса ўз акцияси учун кўнгилдагидек даромад ололмаяпти. Ваҳоланки, ҳар бир акциядор ўз акцияларига юқори дивиденд олган тақдирдагина ўша корхонани ҳақиқий акциядорлашган, деб ҳисоблаш мумкин.

Юқоридаги муаммолар ечимини топиш йўлида, давлат мулкини хусусийлаштиришда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг самарали механизмини яратиш, қимматли қоғозлар бозорида чет эл инвесторларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Давлат мулкини хусусийлаштиришда хорижий сармояларни жалб қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.**

Қарорнинг туб моҳияти мамлакатимизда хусусийлаштириш жараёнини дунё тажрибасига асосланган ҳолда янада чуқурлаштириш, экспортбоп ва харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида хорижий сармоялар ва технологияларни жалб қилишга қаратилган. Айниқса, чет эллик тадбиркорлар мулкини ҳимоя қилиш ва ишлаб топган фойдаларини олиб чиқиб кетиши тўлиқ кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги Фармонидан сўнг фонд бозорида, эркин савдода фуқароларга, шу жумладан, хорижий инвесторларга мўлжалланган акциялар пакетини сотишни тезлаштириш борасида муҳим қадамлар қўйила бошланди.

Шу ўринда бир мисол. Германиянинг «Ламбрехт» ва Франциянинг «Брефак» фирмалари «Ўзбекистон шампани» акциядорлик жамияти устав фондининг 25 фоизини (ҳар бир фирма 12,5 фоиздан), 220,5 минг АҚШ доллари миқдоридаги 19915 та акциясини сотиб олди. Чет эл фирмалари менежмент ва экспорт масалалари, замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш билан шуғулланадиган мутахассисларни жалб қилиш, 1999 йилнинг охиригача 75 минг АҚШ доллари ҳажмида хорижда маркетинг хизматини амалга ошириш мажбуриятларини олди. Энг муҳими, икки фирма 2002 йилгача ҳар бири 200 минг АҚШ доллари миқдорида ишлаб чиқариш линиясини қайта жиҳозлаш учун маблағ ажратади. Натижада корхона ўзининг экспорт қувватини ошириш имкониятига эга бўлади. Хорижий фирмалар 1999 йилда 200 минг, 2000 йилда 500 минг, 2001 йилда 1 миллион дона шиша шампан виносини эркин валютага экспорт қилишга ёрдам бериш мажбуриятини олди. Ушбу тадбирларни амалга оширишдан ҳам ўзимизнинг акциядорлар, ҳам чет эл инвесторлари иқтисодий манфаатдор бўладилар.

Мазкур қарор «корхоналарни, шу жумладан, базавий тармоқлар корхоналарини якка тартибда хусусийлаштириш, акциядорлик жамиятлари акциялари пакетининг бир қисмини биржа ва биржадан ташқари бозорларда хорижий инвесторларга сотиш, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни хорижий инвесторларга уларнинг тўлиқ мулки қилиб сотиш йўли билан хорижий сармояларни жалб этиш соҳаларини кенгайтириш»га кенг йўл очиб беради.

1999 йилнинг 1 мартигача хусусийлаштириладиган корхоналар мол-мулки қиймати эркин алмаштириладиган валютада баҳоланади. Уларни баҳолашга етакчи хорижий баҳолаш компаниялари жалб қилиниши назарда тутилган.

Корхоналар ҳамда акциялар пакетлари, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва замонавий технологиялар билан қайта жиҳозлаш бўйича бизнес-режа тақдим этилган тақдирда, фақат тендер ва инвестиция савдолари орқали сотилади. Тендер савдоларини ўтказиш бўйича Давлат комиссияси тасдиқланди ва унга Низом ишлаб чиқиш ва Давлат мулк қўмитаси билан ҳамкорликда сотиладиган объектлар проспектини, уларнинг ишлаб чиқариш, молиявий-иқтисодий тавсифномаларини тайёрлаш вазифаси юклатилди.

Ушбу қарорнинг ўзига хос томонларидан яна бири шуки, хусусийлаштирилган корхона томонидан хорижий инвесторнинг инвестиция мажбуриятлари ҳисобига олинган пул маблағлари ва технология асбоб-ускуналари даромад (фойда) ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади. Бу янги чет эл технологияларини ишлаб чиқаришга кенг татбиқ қилишга қулай имконият яратади.

Булардан ташқари, қарорда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва «Тошкент» республика фонд биржасига Молия вазирлиги ва Марказий банк билан ҳамкорликда қимматли қоғозларни хорижий инвесторларга эркин алмаштириладиган валютага сотиш учун тегишли меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда 1999 йил 1 январгача махсус савдо майдончаси ташкил этиш вазифаси юклатилган. Хусусийлаштирилаётган корхоналарни ёки акциялар пакетларини хорижий инвесторларга сотиш билан боғлиқ тартиб-қоидалар ва қатор ташкилий ишлар аниқ белгиланган.

Қарорнинг бажарилиши мамлакатимизда олиб борилаётган хусусийлаштириш жараёнини тезлаштиришга ёрдам беради. Ишлаб чиқариш корхоналарининг чет эл ишбилармонлари билан алоқалари кучаяди, мамлакатимизга илғор технологиялар кириб келади. Натижада мулкдорлар синфи мустаҳкамланади, давлатимизнинг экспорт салоҳияти ошади.

**Авазхон СОДИҚОВ,**
**иқтисодий шарҳловчи.**

***Маълумки, шу йилнинг 2 октябрида республикамиз Президентининг «Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида«ги Фармони эълон қилинди.***

# ҲИССАДОРЛАР ЙИҒИЛИШИ

Тижорат банклари фаолиятини бошқаришда акциядорларнинг ролини ошириш, банк ходимларини ишга ёллашнинг шартнома тизимига ўтказиш, кредитлар бериш ҳамда уларнинг қайтарилишини таъминлаш учун банкнинг раҳбар ижроия органлари жавобгарлигини ошириш, шунингдек, хусусий банклар ташкил этиш жараёнини рағбатлантириш мақсадида эълон қилинган ушбу Фармон банк бошқаруви ходимларининг масъулиятини янада ошириши, шубҳасиз.

Куни кеча Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлиги меваси — «ЎТбанк»да банк ҳиссадорларининг навбатдан ташқари ўтказилган умумий йиғилиши ҳам айнан Президентимизнинг юқорида зикр этилган Фармони ижросига бағишланди. Йиғилишда банк бошқаруви раиси Юксель Дикмен ва банк кенгаши раиси Йўлдошали Жўраевларнинг банк фаолиятига доир ҳисоботлари тингланиб, ҳиссадорлар муҳокамасига қўйилди. Банк Низомига киритилган баъзи ўзгартишлар, банк кенгаши ҳақидаги Низом ҳиссадорлар муҳокамасидан сўнг тасдиқланди.

Шунингдек, банкнинг янги кенгаши ва тафтиш кенгаши аъзоларини тайинлаш масаласи ҳам муҳокама этилди. «ЎТбанк» ҳиссадорлари банк бошқарувининг шартнома асосида ишга олиниши Низомини муҳокама қилдилар ва банк бошқаруви раиси билан тузилган шартномани бир овоздан тасдиқладилар.

Банк ҳиссадорлари «Пахтабанк» бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Қ. Тошматовни «Ўзбекистон — Туркия» қўшма банки — «ЎТбанк» кенгаши раиси этиб сайладилар.

**М. ХОЛМАТОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ўзбекистон Конституциясининг 6 йиллигига

# МАМЛАКАТИМИЗ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

***Маълумки, ҳар бир жамиятда иқтисод биринчи ўринда турадиган, сиёсатни ҳам белгилаб берадиган, унга нисбатан устуворликка эга бўлган асосий масала ҳисобланади. Шу сабабдан давлатнинг асосий қонуни ҳисобланган конституцияда бу масалага алоҳида эътибор қаратилади. Мустақил республикамизнинг биринчи Конституциясида ҳам иқтисод масаласига, иқтисодий муносабатларни белгилаб бериш, уларни тартибга солиш масаласига муҳим эътибор берилган.***

Иқтисодиёт масаласига Ўзбекистон Конституциясида совет даврида амалда бўлган конституцияларга нисбатан янгича, бутунлай бошқача ёндашилган. Ўша давр конституцияларида иқтисодиётнинг социалистик тараққиёт йўли деб аталмиш муносабатлар ўрнатилган ишлаб чиқариш усули белгилаб берилиб, тартибга солинган эди. Бунда хўжалик юритишнинг ҳамда мулкчиликнинг илғор, прогрессив восита ва усуллари ҳамда шакллари чеклаб қўйилган бўлиб, ишбилармонлик, тадбиркорлик бутунлай бўғилган эди, ишлаб чиқаришнинг охирги натижаларидан манфаатдорлик умуман йўқ эди. Буларнинг барчаси иқтисодни оғир таназзулга олиб келганлиги ҳозир ҳаммага аён. Шунинг учун мустақиллик шарофати туфайли ушбу тараққиёт йўлидан воз кечилиб, жаҳон тажрибасида синалган, амалиётда ўзини оқлаган иқтисодий муносабатларга ўтишга жазм қилинди. Бу янги иқтисодий муносабатларни, табиийки, давлатимизнинг асосий қонуни бўлган Ўзбекистон Конституцияси белгилаб берди.

Ўзбекистон Конституциясида иқтисодий муносабатлар масаласига алоҳида боб бағишланиб, унда республикамиз иқтисоди бозор муносабатларига асосланиши таъкидланди. Чунончи, Ўзбекистон Конституциясининг 53-моддасида кўрсатилишича, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Ушбу моддада иқтисодий муносабатларнинг асоси бўлган мулк масаласига катта эътибор берилган. Унда кўрсатилишича, барча мулк шакллари тенг ҳуқуқли ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилади. Айниқса, хусусий мулкни кенг жорий қилишга урғу берилиб, унинг бошқа мулк шакллари каби дахлсиз эканлиги ва хусусий мулк давлат ҳимоясидалиги белгиланган.

Ўзбекистон Конституциясида фуқароларнинг ҳам мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга эканлигига алоҳида эътибор берилган. Асосий қонунимизнинг 36-моддасига кўра, ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади. Ушбу қоида илгари ҳаракатда бўлган биронта ҳам конституцияларимиздан ўрин олмаган эди. Аксинча, фуқароларнинг мол-мулкка бўлган ҳуқуқлари ўта чекланган эди. Уларнинг ишбилармонлик, тадбиркорлик, ҳунармандчилик билан шуғулланишлари қонун билан таъқиқланган бўлиб, фақат битта уй-жойга, битта автомашинага, ёрдамчи хўжалик юритиш учун оддий инвентарларга, 1 та қорамол ва 5 тагача қўй-эчкига эга бўлиши, агар 10 минг сўмдан ортиқ суммадаги мол-мулк сотиб оладиган бўлса, тегишли давлат органи олдида кўрсатма беришга мажбур эди. Буларнинг барчаси фуқароларнинг ишлаб чиқаришга совуққонлик билан муносабатда бўлишларига олиб келиб, иқтисоднинг тараққий этишига салбий таъсир қилди. Ҳозирда ҳаракатдаги Конституциямизда эса бу каби салбий ҳолатларга чек қўйилиб, давлат иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини муҳофаза қилишлиги кафолатланган (53-модда).

Иқтисодий тараққиётга эришишда табиий бойликларнинг алоҳида ўрни бор. Улардан оқилона ва самарали фойдаланиш иқтисодни юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабдан, Конституциямизнинг жамиятнинг иқтисодий негизларига бағишланган бобида табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солишга катта эътибор берилган. «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар, — дейилади Ўзбекистон Конституциясининг 55-моддасида, — умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир». Асосий қонунда табиий бойликларнинг давлат мулки қилиб кўрсатилиши табиий ресурсларнинг инсон меҳнати маҳсули эмаслиги, улардан фойдаланишда умумхалқ ва давлат манфаатларининг устуворлиги каби хусусиятлар эътиборга олинган. Хусусан, ер, сув, ер ости бойликлари, ўрмонларни хусусий мулк қилиб бўлиб бериб бўлмайди, улардан давлат мулкчилиги асосида фойдаланиш умумхалқ манфаатларига мос тушади. Шу сабабдан, табиат бойликларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат мулкчилиги тўғрисидаги қоида ўз ифодасини топган.

Аммо табиат бойликларига мулкчилик масаласи тўғрисида гапирганда шу нарсага эътиборни қаратиш лозимки, уларга нисбатан баъзи қонунларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармонларида баъзи тоифадаги ерларга нисбатан хусусий мулкчиликка ўтиш мумкинлиги ҳам кўрсатилган.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 2-моддасида кўрсатилишича, дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларга ваколатхона биноси; юридик ва жисмоний шахсларга савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари шу объектлар жойлашган ер участкалари билан; чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга, шунингдек, республикада доимий истиқомат қилаётган ва истиқомат қилиш учун гувоҳномаси бўлган шахсларга турар жой бинолари шу бинолар жойлашган ер участкалари билан бирга сотилаётганда мулк қилиб берилиши мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига биноан, кўчмас мулк сотилганда шу мулк жойлашган ер участкалари ҳам сотилиб, хусусий мулк қилиб бериш мумкинлиги белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 24 ноябрдаги «Ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонида ҳам ер участкаларини хусусий мулк асосида сотиш мумкинлиги кўрсатилганлиги характерлидир.

Умумий хулоса қилиб айтиш мумкинки, мустақил давлатимизнинг биринчи Конституциясида республикамиз иқтисодининг асослари равшан кўрсатиб берилган ва мукаммал тартибга солинган. Ушбу ҳуқуқий асослар иқтисодимизнинг бундан кейинги тараққиёти, халқ хўжалигида бозор муносабатларини қарор топтириш учун хизмат қилади.

**М. УСМОНОВ,**
**Ж. ХОЛМЎМИНОВ,**
**юридик фанлари докторлари.**

ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ XIII СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

# АНИҚЛИК ЗАРУР

***Адвокатлик фаолиятининг самарадорлигини ошириш, адвокатнинг мустақиллигини таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини янада тўлароқ ҳимоя қилиш ҳамда рўёбга чиқаришни ўз олдига мақсад қилиб қўювчи «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бундан икки йил аввал қабул қилинган «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мантиқий давомидир.***

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, уларни амалга оширувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш борасида жуда катта ишлар олиб борилаётганлигини таъкидлаш ўринлидир. Адвокатура ҳам ўз моҳиятига кўра, ана шундай ҳуқуқий институт ҳисобланиб, нотижорат ташкилотлар қаторига киради.

Юқорида қайд этганимиздек, республикада адвокатура фаолиятининг ҳуқуқий асоси мавжуд бўлиб, унда ушбу органнинг вазифалари, ташкилий шакллари, фаолиятининг принциплари ва турлари, адвокатнинг ҳуқуқ ҳамда вазифалари, адвокатурага тааллуқли бошқа масалалар ёритилган. Мазкур қонуннинг талабига асосан, олий юридик маълумотга эга бўлган ва белгиланган тартибда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олган Ўзбекистон Республикаси фуқароси адвокат бўла олиши мумкин.

Ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда, ҳуқуқий онг ва тафаккурнинг шаклланишида адвокатуранинг ўрни катта эканлигига алоҳида эътибор қаратилганлиги боис, бу соҳа ходимлари фаолиятининг кафолатлари ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида алоҳида қонун лойиҳаси тайёрланиб, айни пайтда кенг халқ оммасининг муҳокамасидан ўтказилмоқда. Ушбу лойиҳала адвокатнинг мустақиллигини ва унинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш механизмини яратишга қаратилган асосий қоидалар ўн икки моддада ўз ифодасини топган.

«Адвокатура тўғрисида»ги Қонун изчил ривожлантирилиб, лойиҳада адвокатнинг қасамёд қабул қилиши, адвокат шахси, уй-жойи, хизмат биноси, транспорт ва алоқа воситалари, хат-хабарлари ҳамда унга тегишли бўлган ашё ва ҳужжатларнинг дахлсизлигини таъминловчи ҳуқуқий нормалар мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, адвокатнинг ҳаёти ва соғлиги давлат ҳимоясида эканлиги қонун даражасида эътироф этилиб, ўз касбий фаолиятини амалга ошириш даврида адвокатнинг ҳаёти ва соғлигига зиён етказилса, унинг ўзи ёки меросхўрлари ижтимоий ҳимоя қилинажаклиги ҳам белгиланган.

Лойиҳа билан танишар эканмиз, фикримизча, унда айрим ноаниқ жумлалар, ҳуқуқий нормаларни такрор ишлатиш ҳоллари мавжуддай, баъзи ҳолатларда эса амалдаги қонунларга нисбатан номувофиқликлар учраётгандай туюлади.

Масалан, «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуннинг 6,7-моддаларида ва Жиноят Процессуал Кодексининг 53-моддасида адвокат (ҳимоячи)нинг ҳуқуқ, вазифалари белгилаб қўйилганлигига қарамасдан, ушбу ҳолатлар лойиҳада турлича мазмунда баён этилган.

Назаримда, лойиҳада бир модда доирасида (4-модда) берилган адвокатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юқорида кўрсатилган амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳолда ёки уларни тўлдириш тартибида иккита алоҳида моддада ёзилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Шу каби ҳолатларни лойиҳанинг 6-моддаси 2-қисмидаги адвокатга нисбатан жиноий иш қўзғатиш тартибини, 7-моддасидаги унинг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмаслигини белгиловчи нормаларда ҳам учратиш мумкин.

4- ва 8-моддаларда адвокат ўз ваколатларини мамлакат ҳудудидан ташқарида ҳам бажариши мумкинлиги таъкидланган. Бироқ 6-моддада унинг шундай ҳолатлардаги дахлсизлиги масаласи очиқ қолдирилган.

5-моддада адвокатлик фаолиятини тўхтатиб туриш ва тугатиш адвокатнинг мустақиллигини таъминлаш воситаси сифатида кўрсатилган. Фикримизча, бу ерда мантиқий боғлиқлик сезилмайди.

Лойиҳанинг 7-моддаси 3-қисмида «ишда иштирок этиш учун адвокатга ижозат берилгани тўғрисидаги тасдиқ хати» деган ва амалдаги қонун ҳужжатларида учрамайдиган ноаниқ жумла қўлланилган. Бизнингча, ушбу ҳолга аниқлик киритиш лозим. Ёки уни процессуал қонунлар талабига мослаш зарур бўлади. Агарда ушбу «тасдиқ хати» қўшимча руҳсат олиш тартибини жорий қилаётган бўлса, уни лойиҳадан чиқариш керак, деб ўйлаймиз.

Ҳозир мазкур қонун лойиҳаси кенг жамоатчилик, назариётчи олимлар, ҳуқуқни муҳофазалаш органлари ходимлари, айниқса, адвокатлар томонидан қизғин муҳокама қилинмоқда. Табиийки, лойиҳага билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклифлар инобатга олинган ҳолда республика Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан қайтадан маромига етказилади. Аминмизки, мазкур қонун ҳуқуқларимиз кафолати сифатида ҳаётда ўз ўрнини эгаллайди.

**Х. ФАЙЗИЕВ,**
**ҳуқуқшунос.**









# «ҚАРШИСУТ» ТАМҒАСИ БИЛАН

*Ҳалол рақобат бор жойда иш унуми ҳам, маҳсулот сифати ҳам юқори бўлади. «Қаршисут» тамғаси билан чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлиги, ва сифати билан алоҳида ажралиб туради. Бунга сабаб «Қаршисут» акционерлик жамиятида ҳалол рақобатнинг мавжудлигидир. Бу ерда бир-биридан бежирим сифатли идишларга қадоқланиб истеъмолчиларга тақдим этилаётган сут, қатиқ, пишлоқ, қаймоқ, музқаймоқ ва бошқа сутли маҳсулотлар ҳар қандай харидорни лол қолдириши табиий. Ҳозирда «Қаршисут»нинг Қамаши, Ғузор, Касби ва Косон туманларидаги шаҳобчаларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳам ўта харидоргир бўлмоқда.*

**СУРАТЛАРДА: тайёр маҳсулотлар ўз харидорига мунтазир; оператор Козим Зиёдов; Ҳафиза Тўхтақулова ва Маҳбуба Икромова пишлоқ ишлаб чиқаришда илғорлардан.**

**Ш. ШАРОПОВ**
**(ЎзА) олган суратлар.**

# ҲУДУДИЙ СЕМИНАР

Республика "Замин" давлат акционерлик банки Бухорода ҳудудий семинар ўтказди. Унда мазкур банкнинг Навоий, Самарқанд, Қашқадаре, Сурхондарё, Хоразм, Бухоро вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасидаги бўлимлари вакиллари қатнашди. Улар деҳқон-фермер хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнес тадбиркорларига узоқ муддатли кредитлар ажратиш, бу кредитлар самарадорлигини ошириш, истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш йўллари ҳақида фикрлашиб олдилар.

**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбири.**

"Халқ сўзи"га жавоб берадилар

# УЗР СЎРАДИЛАР

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани Қоранқул қишлоғида яшовчи пенсионер Т. Ўрмоновдан таҳририятга келган шикоят хатида унга берилган имтиёзлардан фойдаланишга монелик қилингани ҳамда автобус ҳайдовчисининг қўпол муомаласидан дили ранжиганлиги билдирилган эди.



Шикоят хати вилоят йўловчилар ташиш автотранспорти концернига моҳиятан кўриб чиқиш учун юборилганди. Таҳририят яқинда мазкур ташкилотдан жавоб мактуби олди. "Тошвилйўловчитранс" концерни бошқаруви раиси жаноб М. Каримовнинг хабар беришича, Бўстонлиқ автосаройи раҳбарининг тасарруф бўйича ўринбосари Ю. Мирзаев, вилоят автобошбекатлар ва автошоҳбекатлар ишлаб чиқариш бирлашмасининг Чирчиқ шаҳридаги бирлиги бошлиғи А. Рўзметов ва шоҳбекат нозими Р. Рафиқовлар шикоят муаллифи Т. Ўрмонов билан учрашиб, суҳбат ўтказганлар ҳамда кимлар жамоат транспортидан имтиёзли равишда фойдаланиши мумкинлигини тушинтирганлар. Айни пайтда А. Рўзметов, А. Рафиқовлар англашилмовчилик юз берган пайтда Т. Ўрмоновга эътиборсизлик билан муомала қилганликлари ҳамда ўз хизмат вазифаларига совуққонлик билан қараганликлари учун ундан узр сўрадилар. Чирчиқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг буйруғи билан А. Рўзметовдан ойлик маошининг 20 фоизи, Р. Рафиқовдан эса 40 фоизи миқдорида жарима ундирилди. Тошкент - Чорвоқ йўналишидаги автобус ҳайдовчиси Х. Сиддиқовга йўловчи Т. Ўрмоновга нисбатан қўпол муомалада бўлганлиги учун ҳайфсан эълон қилинган.

Келажакда бундай ҳолларнинг қайтарилмаслигини таъминлаш мақсадида "Ғазалкент" шоҳбекати ҳамда Бўстонлиқ автосаройи раҳбарлари зиммасига барча ходимлар ва автосарой ҳайдовчилари ўртасида тегишли тушинтириш ишларини олиб бориш ҳамда уларга нисбатан талабчанликни ошириш вазифаси юкланди.

Шикоят муаллифи фуқаро Т. Ўрмонов амалга оширилган тадбирлардан қониқиш ҳосил қилди.

